

ЁШЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Козоков Муроджон Ботирович

Хоразм вилояти Янгиарик тумани Шайх Мухтор Вали масжид имом ноиби

Дунёда глобаллашув жараёнлари кундалик ҳаётимизга тез суръатлар билан ҳамма соҳаларда кириб келиши, ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир кўрсатишнинг ўткир куролига айланиб бормоқда. Бу эса Farbdagi ҳар-хил сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қилиб “оммавиий маданият” деган ниқоблар остида ахлоқий беҳаёлик, индивидуализм ғояларини тарқатишни мақсад қилиб қўйиб бошқа халқларнинг шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам кўп минг йиллик маънавий, маданий қадриятларига беписандлик қилиб, улардан воз кечишга унダメоқда.

Бундай ёвуз мақсадлар “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга оширилмоқда. Бу каби ҳаракатлар халқимизнинг муқаддас маънавий фазилатлари бўлган ибо ва ҳаё, оила муқаддаслиги каби қадриятларимизга салбий таъсир қилиши шубҳасиздир. Ҳақиқатдан ҳам “оммавиий маданият” деб аталмиш ғоялар турли йўллар билан мамлакатимизга, яъни кинолар, турли хил жинсий беҳаёликни акс эттирувчи кассеталар, радио, телевидение, китоблар ва ҳатто қўл телефонларига ёзиб бериш орқали ёшларимиз онгига таъсир қилмоқда.

Бизнинг аждодларимиз қадим-қадимдан комил инсон ҳақидаги шарқона ахлоқий мезонларни ва комил шахснинг маънавий қирраларини ишлаб чиқиб ҳалқимиз онгу тафаккурида асрлар давомида сайқал топган ору-номус, уят ва андиша, шарму-ҳаё, ибо ва иффат, камтарлик, катта-кичиларга ҳурмат каби юксак маънавий хислатлар ҳаётимизда амал қилиб келмоқда. Бундай ҳалқимизга мос эзгу ва гўзал ахлоқий фазилатлар муқаддас маънавий қадриятларимизнинг асл мазмунини ва моҳиятини ташкил этади. Бу каби ҳалқимизнинг гўзал миллий фазилатларимиз ўринини гарбона беҳаё, беибо ахлоқий урф-одатлар эгаллашига аслю йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ёшлар аҳолининг энг кўп қисмини ташкил этиб турибди. Уларни “оммавиий маданият” глобаллашуви даврида гарбнинг ана шундай одатларига томон тобора тойиб кетмайди, деб ҳеч ким кафолот бера олмайди. Негаки, айрим жузъий одатга ва урфга айланган ҳолатларнинг тез илдиз отаётганини томошабин бўлганимизча кузатиб ҳам турибмиз. Олайлик оддийгина қадриятимиз-ёшларнинг маълум бир тоифаси гўзал одатимиз бўлган ўзбекона сўрашиш, саломлашиш одатининг “янги кирралари” ни аллақачон ўзлаштириб олишди. Ёш йигитчалар бошни бошга теккизиб, ҳол-аҳвол сўрашиш ҳолатини ўзларининг саломлашиш одатига айлантириб олишди. Яқин йилларда урфга айланиб қолиш эҳтимоли бўлган йигит-қизларнинг ўпишиб қўришишлари ҳозир бироз кўзга кам ташланиб қолди. Бироқ кийиниши борасида кўр-кўрона андозалар олиш ҳали ҳамон давом этяпти.

Ихчамлик соддалиқ яхши, бироқ унинг баҳонасида юзага келаётган “мода”лар ҳам кўпчиликни ўйлантираётгани сир эмас.

“Оммавий маданият” никоби остидаги мураккаб мафкуравий жараёнларни чукур илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, миллий маънавиятимиз маданиятимиз ва манфаатларимизга зид бўлган заарли урф-одат ва мафкуравий хуружларнинг асл мақсад ва моҳиятини очиб бериш асосида, ёшларни ўзининг мустакил фикрига эга турли ибо ва ҳаёсиз маънавий хуружларга қарши событ тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи, ўзбек ҳалқига хос миллий ғурурли, ватанпарвар, ғоявий чиниққан инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Янгиарик тумани “Шайх Мухтор Вали” масжиди имом ноиби М.Казаков

Ёшлар келажагимиз пойдевори

Ёшлик инсоннинг қувватга тўлган ва ҳаракатчанлиги зиёда бўлган вақтидир. Шу билан бирга, ёшлик даври инсоннинг ҳаёт йўлларининг чорраҳасида турган пайти ҳамдир.

Агар ўша чорраҳада инсон яхши йўлга кириб қолса, ўзи, оиласи, қариндошлари, ҳалқи, ватани учун жуда катта яхшилик сари юз тутган бўлади. Бу уни дунё ва охират баҳтига, саодатига эриштиради. Агар, Аллоҳ қўрсатмасин, мазкур чорраҳада ёмон йўлга бурилиб кетса ўзи, оиласи, қариндошлари, ҳалқи, ватани учун ўта кўнгилсиз ҳодиса сари қадам қўйган бўлади. Бу билан унинг дунё ва охиратда яхшиликка эришиши қийинлашиб қолади.

Ёшлар ҳар бир миллатнинг келажаги эканини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга эътибор беришнинг аҳамияти яна ҳам зиёдалашади. Зотан, ҳар бир шахснинг ким бўлиши ёшлигидан аён бўлади, унинг камолоти айнан ёшлиқдан бошланади. Ёшлик пайтида шаклланиб қолган сифатлар инсонга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Шунинг учун ҳам ёшларнинг одобли бўлишлари учун ҳаракат қилиш жуда аҳамиятли иш ҳисобланади.

Шу боис ҳам Аллоҳ таолонинг охирги ва мукаммал дини, киёматгача бокий колувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини – Исломдан ёшларга алоҳида эътибор каратилган.

Ёшлик даври инсон учун берилган илоҳий неъматлардан бири бўлиб, инсон мазкур неъматга шукр қилиши, бунда асло ношукур бўлмаслиги зарурдир. Ҳар бир неъматнинг шукри эса неъмат берурчи Зотга мактоб сўзларини тил билан айтиб, дил билан тасдиклаш ва энг муҳими, берилган неъматни неъмат берувчи Зотни рози киладиган тарзда тасаррuf қилиш ила юзага чикади. Демак, ёшлик неъматига шукр қилиш айни ўша ёшликни Аллоҳ таолони рози қиладиган тарзда ўтказиш билан бўлади. Бунинг устига, ёшлик қиёмат куни ҳисобга олинадиган неъматлардан эканини ҳам унутмаслик керак.

Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Қиёмат куни одам боласининг қадами то ундан беш нарса ҳакида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва қаерга сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳакида сўралмагунича, Робби хузуридан узилмайди” Термизий ривоят қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшликнинг инсон боласи ғанимат билиши лозим бўлган беш нарсадан бири эканини таъкидлаганлар.

Ибн Аббос розиаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил: ёшлигингни қарилигингдан олдин, соғлигингни bemорлигингдан олдин, бойлигингни камбағаллигингдан олдин, бўшлигингни машғуллигингдан олдин ва ҳаётингни ўлимингдан олдин”.

Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Исломнинг ёшликка берган бу каби олиймақом аҳамияти бизларни унинг қадрига етишга чорлайди. Ёшликнинг қадрига етиш, уни ғанимат билиш ва ундан унумли фойдаланиш эса динимизда белгиланган ёшлик одобларига амал қилиш ила юзага чиқади.

Ёшлик одобларидан бири келажакка умид билан қараш ва етук инсон бўлиш учун ҳаракат қилишдир. Ҳар бир ёш йигит-қиз ўз келажаги ҳакида тўла ва мукаммал тушунчага эга бўлиши ҳамда ҳаётдан қўзлаган мақсадини аниқ белгилаб олиши керак.

Минг шукрлар бўлсинким, бугунги кунда юртимизда ёшларни қўллаб қувватлаш борасида давлатимиз томонидан ғамхўрликлар юқори даражага кўтарилиган.

Юртбошимиз томонидан “30-июнь — Республика ёшлар куни” қилиб белгиланиши ҳам ёшларга бўлган юксак эътиборидандир. Айни дамларда ёшлар учун амалга оширилаётган барча амаллар ёшларимизни ўқиш-урганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилишига сабаб бўлса ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан жорий йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди.

Ёшларнинг хуқуқ-манфаатларини таъминлаш, уларнинг ташабbusларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёшлар ишлари агентлиги тузилди, ҳокимларнинг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди. Шундай экан ёшларимиз ҳамма орзулари ушаладиган, интилишлари қўллаб-қувватланадиган мамлакатда яшаётганидан баҳтиёр бўлишлари керак. Чунки ана шу ғамхўрлик ва эътибор натижасида ҳамманинг хавасини келтирадиган, истеъдодли бўлиб вояга етишяпди. Юртимиз довругини жаҳонга ёяётган ёшлар сони кундан кунга зиёда бўлиб боряпди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида: “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”-деб марҳамат қилганлар.

Яна бир ҳадисларида “Илм Чин-Мочин (Хитойда) бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгалланглар. Илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарзdir”- деганлар.

Пайғамбаримиз ўз умматлариға факат диний таълим бериш учун юборилмаганлар, балки дунёвий илмларни олишга ўргатганлар.

Ёшларни дунёвий илм соҳиби бўлишига ва хунарли бўлишига тарғиб қилиш энг муҳим масалалардан экан, демак биз фарзандларимизни ёшлик чоғидан бошлаб одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаш билан бирга илм фаннинг барча қирраларини эгаллашга қизиктириб боришимиз даркор. Уларни мактабда ва ўкув юртларида яхши ўзлаштиришларига катта аҳамият беришимиз зарур.

Ота-онанинг вазифаси фарзандни дунёга келтиришдан иборат эмас. Улар ўз фарзандларини ақлли, жисмонан соғлом, диёнатли, виждонли, тўғри сўзли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсон қилиб тарбиялаши керак, уларнинг тарбиясига катта аҳамият бериб, ҳалол луқма ейишга одатлантиришимиз, уларни турли заарали оқимлар таъсиридан сақлашимиз, ота-онаси, оила, эл-юрт олдидағи бурчи ва масъулиятини доимо ҳис қиласидиган, ўйлайдиган қилиб тарбиялашимиз лозим. Ота-она бир лаҳза бўлса ҳам хушёрликни йўқотмасликлари, ёшлар тарбиясидаги асло бепарво бўлмасликлари керак. Ота-оналарни фарзанд тарбиясидаги биринчи ҳадяси – ота-оналарнинг гўзал одобидир.

Ёшларга сабр, кечиримлилик, ҳалоллик, поклик, оиласа ҳиёнат қилмаслик борасидаги насиҳатларни мунтазам равища олиб бормоғимиз лозим.

Хусусан, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили” деб номланган жорий йилда юртимизда соғлом муҳитни яратиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиб, уларни қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Зоро, барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг баҳту саодати, фаровон келажагини кўриш орзуси ётибди.

Фарзандларимизнинг ёшлик йиллари саодатли, шукуҳли замонга тўғри келгани учун суюниб яшайлик, буларнинг бари, энг аввало тинчлик, осойишталик самараси эканини тушунирайлик ва бунинг учун шукр қилайлик.

Ёшларимиз дунёвий билимлар билан барча юксак маънавиятимиз, миллий урф одатларимиз ва қадриятларимиз асосларини ҳам пухта эгаллашлари керак. Мана шундай ёшлар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, ишончи ва давомчиси бўла олади.

Ёшлар – бизнинг келажагимиз, келажагимиз пойдеворидир.

Янгиариқ тумани “Шайх Мухтор Вали” масжиди имом ноиби М.Казаков